



# ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА КУРСАНТЛАРНИНГ ТАЛАФФУЗ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Ширинова Наргиза**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат

хавфсизлиги университети доценти, п.ф.н.

nargizashirino@gmail.com

## **Аннотация**

Уибу мақола инглиз тили дарсларида олий ҳарбий таълим муасссаларида талаффузни ўргатиши масаласига бағишланган.

**Калим сўзлар:** талаффузга ўргатиши, таълимий ўйинлар самараодорлиги, талаффуз материаллари, курсантлар қизиқишини ошириш.

## **Abstract:**

**Introduction.** The issue of teaching pronunciation at the English lessons in Higher Military education is studied in the article. Pronunciation as a main skill serves as the main task for the development of the type of speech activity.

**Keywords:** teaching of pronunciation, effectiveness of the educational games, pronunciation materials, increasing of interest of cadets.

Нутқ фаолияти турларидан бири бўлган талаффузни ўргатиш инглиз тили ўқитишида асосий ўрин тутади. Амалиётдан маълумки, инглиз тили ўрганувчилар сўз ва ибораларни талаффуз қилишда баъзи қийинчиликларга дуч келишмоқда. Шунинг учун ҳам, талаффуз материалини мустаҳкамлашда ўқитувчи қизиқарли методлардан фойдаланса, курсантлар уни осон ўзлаштиришади ва тилга бўлган қизиқиши ошади[1].

Талаффузни ўргатишга доир турли хил технологиялар мавжуд. Инглиз тили ўқитишининг турли босқичида “The spelling run” технологиясидан фойдаланиш мумкин. Масалан “Sport” мавзусини ўрганиш жараёнида ундан қуидагича фойдаланиш мумкин[4]:

1-босқич. Ўқитувчи инглиз алифбосидаги барча ҳарфларни хонанинг турли бурчакларига ёпиштириб чиқади.

2-босқич. Ўқитувчи курсантларни икки гурухга бўлиб, гурухларни номлайди.



3-босқич. Үқитувчи “Sport” мавзуси бўйича ўрганилган сўзларни талаффуз қилади. Масалан, “volleyball”, “football”, “tennis”, “wrestling”, “basketball” ва хоказо.

4-босқич. Курсантлар ўқитувчи айтган сўзларини ҳарфма-ҳарф айтиб, деворларга ёпиширилган ҳарфлардан зарурий ҳарфни бориб топа олиши зарур.

5-босқич. Курсантлар сўзни эшитган захотиёқ дарҳол девордаги ҳарфлардан топа олиши зарур.

6-босқич. Сўзларнинг ҳарфларини энг тез топган гуруҳ ғолиб саналади.

Ушбу турдаги топшириқ курсантларнинг талаффуз кўнимкасини шакллантиришга ёрдам беради, курсантлар сўзларнинг ёзилиши ва талаффуз этилишидаги фарқни англаб олиб, янада уларни мустаҳкамлаб олишади.

Инглиз алифбосидаги ҳарфларнинг талаффиузини мустаҳкамлаш мақсадида “Arty alphabet” технологиясидан фойдаланса бўлади.

1-босқич. Үқитувчи гурухни иккита кичкина гурухларга бўлиб, турли хилдаги расмларни курсантларга кўрсатади.

2-босқич. Үқитувчи ҳарфни талаффуз қилади ва курсантлардан расмларга қараб ҳарфни ва ҳарф билан бошланадиган сўзни топишни сўрайди. Масалан, [eɪ], [si:], [i:], [dʒi:], [di:], [eɪf], [bi:], [keɪ]....

3-босқич. Курсантлар расмларга қараб тезда ҳарфлар ва улар билан ясаладиган сўзни топа бошлашади. Масалан, [eɪ]Aircraft, [si:]Cap, [i:]Engineer, [dʒi:]Garden, [di:]Doctor, [eɪf]Helicopter, [bi:]Belt, [keɪ]Frigate....

4-босқич. Энг кўп сўз топган гуруҳ ғолиб саналади.

Ушбу технология курсантларнинг ҳарфлар ва уларнинг талаффиузи орасидаги муносабатларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Сўзларнинг талаффиузи, тўғри урғу қўйиш каби ишларни амалга оширишда “Stress needn’t stress me” каби технологиядан фойдаланиш мумкин[3].

1-босқич. Үқитувчи доскага сўзларнинг ургуси ва талаффиузига кўра таснифлаш жадвалини чизиб, уни номлайди. Масалан, Flying.

2-босқич. Үқитувчи сўзларнинг бўғинлари ва ургусига қараб жадвалга жойлашувини курсантларга тушунтиради. Масалан, aіport сўзида иккита бўғин ва биринчи бўғинга урғу тушган. Security сўзида эса тўртта бўғин ва иккинчи бўғинга урғу тушган.

3-босқич. Үқитувчи курсантларга бир қатор сўзлардан иборат карточкаларни беради ва жадвалга жойлаштиришни сўрайди. Курсантлар



гурұхларида маслағатлашган ҳолда досқадаги жадвални түлдириб боришади ёки карточкаларини жадвалдаги керакли жойларга магнитлар ёрдамида ёпиширишлари мумкин. Масалан,

| <b>Flying</b>          | <b>1<sup>st</sup> syllable</b> | <b>2<sup>nd</sup> syllable</b> | <b>3<sup>rd</sup> syllable</b> |
|------------------------|--------------------------------|--------------------------------|--------------------------------|
| <b>One syllable</b>    | plane<br>meal                  |                                |                                |
| <b>Two syllables</b>   | check in airport               | depart arrive                  |                                |
| <b>Three syllables</b> | timetable<br>passenger         | refreshments                   | recommend                      |
| <b>Four syllables</b>  |                                | Security                       | destination<br>reservation     |

4-босқич. Үқитувчи курсантларнинг вазифани бажариш даражасини бошқариб боради, шунингдек курсантлар турли усуллар орқали баҳоланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур мақолада ҳарбий олий таълим муассасалари курсантларига талаффузни ўргатиш усуллари назарий ва амалий жиҳатдан исботлашга ҳаракат қилинди. Инглиз тили дарсларида курсантларнинг билиш фаоллиги ва қизиқишини оширишга хизмат қиласидан ўйин-топшириқлари ва бошқа қизиқарли усуллар илмий жиҳатдан асосланди. Материални ўйин-топшириқлардан фойдаланиб курсантларга тақдим этиш курсантларнинг инглиз тилидаги талаффузини осонликча, зўр қизиқиши билан эгаллашларига ёрдам беради. Шунинг учун, курсантларнинг инглиз тили талаффузини ўзлаштиришларига ва у бўйича кўникмаларни шакллантиришга хизмат қиласидан ўйин-топшириқлар мақолада ўз аксини топган. Хулоса қилиб айтганда, курсантларнинг инглиз тили талаффузини пухта эгаллаши ўқитувчи кўллайдиган методларга боғлиқдир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

- Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиши методикаси: Чет тил ўқитиши методикаси.– Т.: Ўқитувчи, 2012.–429 б.
- Маҳмудов Р.М. , Икматуллаев Ф.З. Ҳарбий педагогика. – Т.: ЎзРМГХТИ, 2018, 179 б.
- Утенбаева Г.М. Совершенствование стратегической компетенции при обучении русскому языку будущих военных психологов с использованием инновационных педагогических технологий: Дис. ... докт.пед.наук(PhD). – Ташкент, 2022.– 150 с.



4. Umarova F. The student's personal development as a key to sustainable development //Lifelong Learning: Continuous Education for Sustainable Development: proc. of Int. coop./arr. NA Lobanov; sci. ed. NA Lobanov, VN Skvortsov; LSU na AS Pushkin, Res. Inst. Soc.-Econ. and Ped. Probl. of Lifelong Learn.–SPb.: LSU na AS Pushkin, 2011.–Vol. 9.–656 p. – 2011. – С. 564.
5. Умарова Ф. З. КОММУНИКАТИВНАЯ КОМПЕТЕНЦИЯ–ВАЖНОЕ ПРЕИМУЩЕСТВО БУДУЩЕГО СПЕЦИАЛИСТА //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. Special Issue 28. – С. 429-434.
6. Ширинова Н., Ширинова Н. English for Military. – Т.: JXU, 2020. – 100 6.
7. Ширинова, Н. Д. (2021). ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИГА САЗОВОР УСТОЗ: Ширинова Нилуфар Джаббаровна, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Тилларни ўрганиш кафедраси доценти, филология фанлари номзоди, доцент. In Научно-практическая конференция.
8. Darvishova, G. K. (2023). ШАРЛОТТЕ БРОНТЕ ИЖОД ҚИЛГАН ВИКТОРИЯ ДАВРИ. Innovative Development in Educational Activities, 2(19), 238-243.
9. Djabbarovna, S. N., & Djabbarovna, S. N. (2020). THE IMPORTANCE OF USING CRA-METHOD ON WRITING IN TEACHING MILITARY ENGLISH. INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION, 1(5), 187-190.
10. James Thomas. Focus on teaching.– Brno, Czechia, Versatile, 2018, P.-185.
11. James Thomas. The book of how to do things in ELT.– Brno, Czechia, Versatile, 2020, P.-257.
12. Kenjabayevna, D. G. (2020). DESCRIPTION OF SOCIAL ATTITUDES IN THE NOVEL “SHIRLEY” BY CHARLOTTE BRONTE. Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal, 48-55.